



1990 йилнинг 30 апрелида мустақил Ўзбекистон тарихидаги илк демократик партия – «Эрк» Демократик партиясининг таъсис курултойи бўлиб ўтди.

Бундан олдин ўша йилнинг 12 апрел куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кичик залига тўпланган Мухаммад Солиҳ бошчилигидаги зиёлилар гуруҳи янги демократик партия тузиш учун ҳаракат бошлашганди.

1990 йилнинг 12 апрел куни ўтказилган мажлисда иштирок этган шоир Эркин Воҳидов, мунаққид Аҳмад Аъзам, ёзувчи Зоҳир Аълам ва олимлар Шоди ва Тоҳир Каримовлар яқиндагина парламент депутатлигига сайланган Мухаммад Солиҳ таклиф қилган «Эрк Демократик партияси» деган номни янги тузилма учун танлаш қарорини маъқуллашди.



Шеърдаги «ЭРинчок» ифодаси «Эркак» ва «Эрк» калималарининг бизнинг заминимизда юз тутган аянчли эволюцияси сифатида кўрилса ҳам, бу таъна эмас, балки, огоҳлантириш эди. «Ўлаётган аскарнинг бўғизидан чиққан «Ҳиқ»иллаш» эса, озодликнинг қурбонсиз бўлмаслигига ишора эди.

Хуллас, орадан кўп ўтмай, шеърдаги мажозлар ҳаётга кўчди, 1990 йил 30 апрел куни Эрк Демократик партияси ташкил этилди.

Партия моҳиятан миллий озодлик ҳаракати сифатида дунёга келган, унинг демократик сифати эса, миллий озодлик ғоясининг бир қисми эди.

Айнан шунинг учун ҳам Эрк партияси вакиллари Совет империяси қулаши арафасида рус демократлари томонидан

30 АПРЕЛ – ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭРК” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ БЎЛДИ

Ўзбекистондаги «Ёш Ленинчи» газетасида Ўзбекистонда янги сиёсий партия тузилгани ҳақида мақолача чоп қилинди.

1990 йилги таъсис курултойи иштирокчиси шоир ва собиқ сиёсий маҳбус Мақсуд Бекжон ўша кунларни эслаб eluz.com нашри учун махсус мақола ёзиб берди.

«Эрк» партияси таваллуди кунига

Ўтган асрнинг 80 йилларида ёш ўзбек шоирлари ижодида «Эрк» сўзи тез-тез ишлатила бошлади, бу жараён том маънода «дилдагининг тилга чиқиши» эди. Совет режими лошидан чиқаётган чиринди хиди билан бирга дарз кетган режимнинг ёриқлари орасидан ташқи дунёдан келаётган Эрк эпкинлари ёш шоирларнинг шеърларига кўча бошлаган эди. Янги ўзбек шеърятининг энг ёркин вакиллари билан бири бўлган

Мухаммад Солиҳ ўша пайтда Эрк ҳақида қуйидагиларни ёзди:

Тилчининг дегани «Эрк» сўзи

Отаси эмасмикан «эркак» сўзининг?

Шундай бўлиши мумкин, Фақат – ўтган замонларда.

«Эрк» сўзида, балки, Умуман маъни йўқдир,

«Эрк» сўзи шунчаки Ўлаётган аскарнинг бўғизидан чиққан «Ҳиқ»иллашдир?

Шундай бўлиши ҳам мумкин, Фақат Афғон томонларда.

Биз учун эса, Эринчок одам тўқиган сўздай туюлар у, Шунчалар қисқа: Эрк.

ташкил этилган бутуниттифок «Демократический союз» ташкилотига кўшилмади, чунки, партия учун бирламчи бўлган нарса – миллий мустақиллик ғояси эди.

Бу миллатнинг буюк бир ғалабаси эди. Партия ташкил топганидан сўнг 2 ой ўтар ўтмас Ўзбекистон Компартияси раҳбари Ислоҳ Каримов ва уни бошқариб турган Москва айғоқчилари ва уарнинг гумашталари кўрсатган қаттиқ қаршилиқларга қарамай, Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясини мамлакат Парламентида қабул этилишига эришди.

Эрк партияси ўзининг чорак асрлик фаолияти давомида Ўзбекистондаги мустақил режим қатағонлари баробарида муҳолифат ичига кириб олган турли хил сексотлар, бахил,

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бекорчи ва бошибузукларнинг ҳужумларига учради; бировларга иғво қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган бу иғвогарлар легиони чорак аср давомида Эрк партиясига қарши иғво қилиш ҳисобига кун кечирди.

Айни гапни Каримов режими ҳақда ҳам айтиш мумкин – Эрк ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳга қарши пропаганда давлат сиёсатининг локомотивига

айлантирилди.

«Эрк» мустабид режимнинг бутун қагагонларига қарамай, маргиналлашмади, ўз ғоя ва низомларига содиқ қолди, ўз сиёсий риторикаларида баъзи гуруҳлар сингари «очовот»лашмади, ўзининг юксак сиёсий савиясини сақлаб қола билди. Сиёсий лексиконда маълум бир савия ва оҳангнинг сақлаб қолиниши – «очовот култури»дан, бозор шаллақилигидан безган ва чарчаган халқ учун нақадар муҳим

эканлигини ҳеч унутмади.

Бугун мен сафдошларимнинг бир оз маънос ва ўйчан, аммо самимий ва қатъиятли чехраларига боқиб, халқимизнинг келажаги порлоқ эканлигига заррача ҳам шубҳа қилмайман.

Партиямизнинг таваллуд куни билан сизларни чин дилдан табриклайман, азиз сафдошларим, биродарларим!

Мақсуд Бекжон
Манба: *Eltuz.com*

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Жавлон Ваҳобов хориждаги ўзбекистонликлар билан ишлайдиган консулликлар фаолиятида узоқ йиллик муаммолар мавжудлигини тан олган. Жаноб Ваҳобов Тошкентда ташкил этилган матбуот анжуманида гапирган.

"Бу мавзу, аслида энг ўткир мавзулардан биридир. Унинг долзарблиги шундаки, минглаб инсонларнинг тақдирига даҳл қилади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда улкан сондаги ватандошларимиз Ўзбекистондан ташқаридалар: кимдир олий ўқув юртини тугатганидан кейинги академик алмашиш бўйича кетган, кимдир меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун, бошқалар эса хорижий шериклар билан бизнес мулоқотларни йўлга қўйиш учун, кўплар - сайёҳлик мақсадида", деб айтган Ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари.

Жаноб Ваҳобов сўзларига қўра, афсуски, кўп сондаги Ўзбекистон фуқароларининг хорижга чиқиб кетишларига Ташқи ишлар вазирлиги, авваламбор, вазирликнинг хорижий муассасалари тайёр бўлмаганлар.

"Президент Виртуал қабулхонаси ишга тушганидан буён шу бугунгача вазирлик номига фуқаролардан 3000 атрофида мурожаат келиб тушди. Уларнинг учдан икки қисми консуллик-ҳуқуқий масалаларига тааллуқлидир", деб айтган Ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари Жавлон Ваҳобов.



Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги консулликлар муаммоларини тан олди

Россияда атиги иккита - Москва ва Новосибирск шаҳарларида Ўзбекистон консуллиги фаолият юритаётгани, барча мурожаатларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш жисмонан имконсизлигини айтган Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари.

Жаноб Ваҳобовнинг ушбу баёноти Ўзбек расмийларининг ўз фаолиятларидаги муносабатини ўзгартираётганларининг яна бир нишонасидир.

Марҳум президент Ислоҳ Каримов бошқаруви йилларида мамлакат раҳбарияти миллионлаб Ўзбекистон фуқаролари оиласини боқиш учун Россияга кетишга мажбур бўлганларини ҳеч ҳам очик тан олмаганлар.

Марҳум Каримов хорижда ишлаётган меҳнат муҳожираларини "дангасалар" деб таърифлаган эди.

Хориждаги Ўзбекистон консулликлари муаммога дуч келган ўзбекистонликларга ёрдам бермагани учун кўп мартаба эркин оммавий ахборот воситаларида танқид қилинган.

Тошкентдаги матбуот анжумани Электрон Оммавий ахборот воситаларининг Миллий ассоциацияси томонидан ташкил қилинган, у Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йил биринчи чорагида ижро этилишига бағишланган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга Ўзбекистон Сенати раиси ўринбосари Светлана Ортиқова, Қонунчилик палатаси раиси ўринбосари Сарвар Отамуродов, "Тараққиёт стратегияси" маркази директори Акмал Бурҳонов, Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Жавлон Ваҳобов, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Боситхонова, Марказий Банк раиси ўринбосари Шохруҳ Шоаҳмедов, Ички ишлар вазири ўринбосари Ақрамхон Бобоҳонов ва бошқалар жавоб қайтарганлар.

Манба: *bbc.com*



«Наҳотки, Тошкент мамлакат ичидаги мамлакатга айланган бўлса?»

Тошкент пропискасига кириш учун расмий рўйхатдаги ҳужжатларни йиғишга вақтинча пойтахтда бўлиш муддати ҳам етмаслиги ҳақидаги мақолани чоп этган Kun.uz нашри, айти мавзудаги муносабатларни ҳам ёритди.

Бу мавзуда кейинги пайтларда сайт кетма-кет бир неча мақола эълон қилди.

Жумладан, бир неча танловлар совриндори бўлган ўқитувчи Тошкент вилоятдан сотиб олган шахсий уйига 6 йилдан буён ижарада туриб, вақтинчалик рўйхатда туриб ишлаётганини баён қилган.

«Доимий рўйхатга қўйишни илтимос қилиб президентга ҳам ёздик, ички ишлардан келган хатга кўра, биз рўйхатга қўйилиши мумкин бўлган тоифага кирмас эканмиз. Шунда ўзимга савол бердим: мен қайси тоифадаги фуқароман?» дейди мурожаатчи.

Шунингдек, у «поргалга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига «гринкард» тизимининг менталитетимизга мослаштирилган вариантани қўллаш таклифини бергандим, бу таклифим ҳам қанчалик тўғри, билмадим, ахир барчамиз Ўзбекистон фуқаросимиз», дейди.

Бошқа бир мурожаатчи эса, 7 йил бурун турмуш қурган вилоятлик эрини доимий рўйхатга қўйиш ҳокимликнинг «уйингиз бузилиш ҳудудидан» деган баҳонаси сабаб амалга ошмай келаётганини билдирган.

Аёл бу масала юзасидан халқ қабулхонасига мурожаат юборганида, у ердагилардан «ҳокимлик ишларига аралаша олмаймиз», деган жавобни олганини айтади.

«Виртуал қабулхонага не умидлар билан хат ёзгандим, ҳаммаси кўзбўямачилик ва хўжакўрсингами? Ҳокимлик ўзига монопол ташкилотни яратиб олган бўлса, халқ қабулхоналарини очишдан нима наф бор?» дея ўртанади аёл.

Мақолада фуқароларнинг пойтахт ва Тошкент вилоятида доимий яшашини чекловчи битта қонун, битта қарор ва битта низом борлигини эслатиб, пойтахтда шундай истиқомат қилаётганларнинг аксарияти давлатга тегишли муассасаларда ишлаётган ўқитувчи, шифокорлар экани, уларга уй харид қилиш ва пропискага қўйиш учун дарҳол имкониятлар тақдим этилса, айти муддао бўлиши таъкидланади.

Худди шу мавзудаги бошқа мақолада «Тошкент – Ўзбекистон пойтахти. Ҳеч қайси қонунда республика даражасидаги ташкилотларда фақат тошкентликлар ишлаши шарт, деб ёзиб қўйилмаган», деб кескин эслатиб ўтилади.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд тартиб-қоидалар ҳам уларга рия қилишга уринган фуқарони алақибат қонунни бузишга мажбур этиши, мантисизликка тўла экани мисоллар билан асослаб берилади.

Аҳолининг аксарият қисмини қийнаётган, амалдорларнинг порахўрлигига йўл очаётган пойтахт иқомати муаммосининг маҳаллий матбуот учун ҳам долзарб масалага айлангани кўриб, «Наҳотки, Тошкент мамлакат ичидаги мамлакатга айланган бўлса?» дея ўйлаш мумкин.

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
таҳаллуси
Манба: Eltuz.com

Австрия президенти Исломофобияга қарши кураш мақсадида барча аёлларни ҳижоб ўрашга чақирди

Австрия Президенти таҳдидли Исломофобия давом этаверса мусулмон аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча аёлларни ҳижоб ўрашга чақиришга тўғри келишини айтган. Александр Ван дер Беллен қандай кийинишни танлаш ҳар бир аёлнинг шахсий ҳуқуқи эканлигини таъкидлаган.

Сўл қарашли Яшиллар партияси собиқ етакчиси Ван дер Беллен шу йилнинг январ ойида сайловларда ғалаба қозониб ҳукумат тепасига келган. У мактаб ўқувчилари билан учрашувда аёлларнинг кийиниши борасида ҳам тўхтаталиб ўтган.

Учрашувда бир ўқувчи қиз ҳижоб ва бурқаларни тақиқлаш аёлларнинг бирор нарсага эришишидан кўра, уйдан чиқмаслигига сабаб бўлиши ва меҳнат бозорига таъсир кўрсатиши мумкинлиги борасида фикр билдириб, Президент муносабатини сўраган.

"Қандай кийинишни ҳал қилиш ҳар бир аёлнинг шахсий ҳуқуқидир. Фақат мусулмон аёллар эмас, бошқа аёллар ҳам ҳижоб ўраши мумкин. Агар ҳозир бўлаётган таҳдидли Исломофобия давом этаверса, биз барча аёллардан диний эътиқоди сабаб ўраниб юрадиган аёлларга ҳамфикрликни кўрсатиш учун ҳижоб ўрашни сўрайдиган кун келиши мумкин", - деган у.

Президент бугапларни мартоида гапирган, аммо Германияда бурқага қўйилган қисман тақиқлар ортидан юзага келган теле-дебат вақти Австрия телевидениеси орқали шу кунларда намойиш қилинган. Германия парламенти Бундестаг давлат идоралари ходималарига юзини тўлиқ ёпадиган никоб ёки паранжидан фойдаланишни тақиқлайдиган қонун лойиҳасини маъқуллаган. Бундан кейин Германияда давлат идораларида ишлайдиган хизматчилар, ҳакамлар ва ҳарбийларнинг ўз хизмат жойида никоб ёки паранжи билан юзларини ёпишлари ман этилади.

Олдинроқ Британиянинг UKIP партияси ўзининг сайлов олди дастурига мамлакатдаги мусулмон аёлларга бурқани тақиқлашни асосий масала сифатида киритганини маълум қилган эди.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Европадаги сўнгги шов-шувли терактлар (Истанбул, Санкт-Петербург, Стокгольм) ўзбеклар томонидан амалга оширилганидан бўйин товлаб бўлмайди. Бу Ўзбекистон махсус хизматлари учун яхшигина баҳона бўлиб хизмат қилади, энди шуни асос қилиб, улар кўп йиллик катагонларни оқлашга ҳаракат қилиши ва ўзгача фикрловчиларга қарши курашишнинг ўрта асрлардан қолган усуллари сақлаб қолиши мумкин. Аммо



Ўзбек радикализи – Каримов даври катагонларининг кульминациясими?

бу террористларнинг ўзи қайсидир маънода Каримов режимининг жинойтлари маҳсулидир. Муҳожирликда яшаётган ўзбекистонлик журналист, “Америка овози” радиоси ўзбек хизматининг муҳбири Малик Мансур бу ҳақда фикр юритади.

Қаердадир теракт содир бўлса, кўпчилик ўзбекларда хавотирли савол туғиладиган бўлиб қолди: бизникилар қилмадимикин? Ўзбеклар томонидан амалга оширилган охириги шов-шувли терактлар, Туркиядаги тунги клубдаги отишмадан тортиб, Стокгольмдаги воқеаларгача шуни кўрсатмоқдаки, буларнинг тасодифлигига ишонгимиз келса ҳам, бу тасодиф эмас, ҳаммасида қонуният бор.

Истанбулдаги тунги клубда Машарипов туғдирган даҳшат балки қайсидир даражада Акбаржон Жалиловга таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. У охириги Санкт-Петербургда содир бўлган терактда асосий айбланувчи ҳисобланмоқда. Стокгольмдаги террористни бундай йўлга нима ундаганини ҳали билмаймиз. Унинг ўзбеклигини ва радикал қарашлар тарафдори эканини биламиз, холос. Аммо ундан Акбаржон Жалилов каби фойдаланишлари даражасида ёш эмас. Ўзини портлатган Акбаржон ёки бошқа ёш ўзбеклар нима мақсадда бундай қилишганини тушунишмаган.

Бу воқеалар албатта, Ўзбекистон жамияти ва расмийлари учун безовталик сигналидир. Асосий савол: янги расмийларнинг

реакцияси қандай бўлади? Агар аввалгидек, бизда тинчлик, сизларни экстремистлар ва террористлар ҳақида огоҳлантирганмиз, сизлар уларни қабул қиласиз, ҳимоя қиласиз, таъминлайсиз дейдиган бўлишса, бу ачинарли ҳолат бўлади, бундай ёндашув билан расмийлар ўзини ва жамиятни боши берк кўчага олиб кириб қўяди.

Шуниси равшанки, охириги терактлар Ўзбекистон махсус хизматлари учун яхшигина баҳона бўлиб хизмат қилади. Энди шуни асос қилиб, улар кўп йиллик катагонларни оқлашга ҳаракат қилиши ва ўзгача фикрловчиларга қарши курашиш усуллари сақлаб қолиши, жамиятни, жумладан, хориждаги ўзбек фаолларини янада қаттиқроқ назорат қилишга ўтиши мумкин.

Президент Каримов диндорларни қамагани ва пароканда қилганида ҳақ эди, деган фикрлар баландроқ эшитилмоқда. Ҳатто илгари ҳукумат таъқиб қилаётган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилаётган ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам шу ҳақда фикр юрита бошлашди.

Аммо бошқаларнинг фикрича, айнан режим томонидан шунча йиллардан бери ўтказилаётган катагонлар мева бермоқда. Ахир одамлар бир кунда экстремист бўлиб қолмайди, террорист ўзбеклар бу чорак асрлик Каримов давридаги қотилликлар, қийноқ ва хўрлашларнинг маҳсулидир. Бу даврда диний радикализм билан курашдан сиёсий мақсадда фойдаланилиб, қамокхоналар ўзгача фикрловчилар ва виждон маҳбуслари билан тўлдирилди.

Швеция собиқ премьер-министри Карл Бильдт билдиришича, мамлакат ҳудудида Ўзбекистонга экстрадиция қилиниши керак бўлган камида 137 киши бор. Унга кўра, бу одамларнинг ҳаммаси қочиб юрибди. Бошқа манбалардан олинган маълумотларга кўра, ўн минглаб муҳожир швед расмийлари нигоҳидан панада юрибди.

Террорни оқлаб бўлмайди. Айбсиз одамларнинг ҳалок бўлгани ўта ачинарли. Терактни

бошидан ўтказган жамиятга, унинг қурбонларига ва уларнинг яқинларига ҳамдардликнинг ўзи кифоя эмас, улар бу шафқатсизлик туғдирган қўрқув ва саросимани енгиши керак.

Ўзбеклар содир этган сўнгги террористик амаллар ўзбек ҳамжамиятида ҳам, айниқса мусофирчиликда юрган миллионлаб ўзбеклар орасида ҳам саросима келтириб чиқарди. Кўпчилигимизни шунга алоқадорлик ва айбдорлик ҳисси таъқиб этади, бу эса ўй-хаёлларни қамраб олиб, хурофот келтириб чиқариши мумкин, бу миссионер-экстремистлар учун тайёр ўлжа бўлади.

Бу саросимани тўхтатиш керак. Ўзбеклар террор маҳсули бўлиб қолаётганига, шубҳасиз, ҳаммамиз айбдормиз. Аммо шуниси ҳам муҳимки, ҳукумат бизни ўзбек ҳамжамиятининг бир қисми бўлишдан маҳрум этган. Муҳожирлар ва қочоқлар гайририхтиёрий равишда шундай бўлиб қолган. Бунга бутун ўзбек халқи эмас, балки Каримов режими айбдор.

Ислом – бизнинг динимиз, ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Унинг моҳияти сиёсат ва ақида эмас, балки иймон, маърифат ва яратувчиликдир. Асрлардан буён ислом бизга шундай сингдирилган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Эсан чиқармаслик лозимки, Россиядаги ўзбек меҳнат

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

муҳожирлари учун ислом ҳимоя бўлган ва шундай бўлади. Ўз мамлақати улардан юз ўгириб, ўз ҳолига ташлаб қўйди, бу ҳам етмагандай, ўзлари сайлаган президент томонидан устидан кулинди.

Мирзиёев шахсидаги янги ҳукумат кўпчилиқда, жумладан ўзбек муҳолифатида ҳам оптимизм уйғотмоқда. Бундай оптимизмнинг мавжудлиги жамият эркинлигининг

юқорироқ даражага оғрикларсиз кўтарилиши учун яхши омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Эркин жамиятнинг ўзига хос томони ҳам уйғун тарзда ўз-ўзини ҳимоя қилишидадир. Бу ҳимоя ҳукуматнинг куч ишлатиш методлари билан сингдирилмаган, айнан фуқаролар даражасида энг самарали бўлиши лозим. Жамиятни эркинликдан кўрқиб ҳисларидан, эркинлик радикализм ва анархияга олиб келади, деган тасаввурлардан халос қилиш вақти келди.

Аммо реалист бўлиш лозим. Вақт ўтмоқда, ўзгариш кам, оптимизм ҳам бир куни тугайди. Ҳукумат алмашгани туфайли ҳосил бўлган эйфория тез орада ўтиб кетади ва йўқотилган оптимизмнинг ўрнини тўлдириш жуда қийин бўлади. Айниқса олдинги режим қайтадиган бўлса ва тургунликдан ягона ҳимоя сифатида яна қатағонлар бошлаб юборилса яхши бўлмайди.

Малик Мансур, муҳожирликда яшайдиган ўзбекистонлик журналист

Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқа шаҳарлар ва мамлакатларда яшовчиларга янги қурилган биноларда турар-жой сотиб олиш йўли орқали Тошкент шаҳри ва вилоятида пропискага эга бўлиш имконини беришни кўзда тутувчи иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқди, деб ёзди «Газета.uz».

Norma изох беришича, биринчи ҳужжатда Солиқ кодексининг 338-моддасидан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли турар-жойлар, квартиралар, дачалар, гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, уй-жойларни



Бошқа шаҳарликларга Тошкентда квартиралар сотиб олиш ва прописка олиш учун рухсат берилади

беғоналаштириш шартномаларини тасдиқлаш учун давлат божи суммаси уларнинг турар жой ва умумий майдонидан келиб чиқиб ҳисобланиши ҳақидаги умумий қонун олиб ташлаш таклиф этилмоқда. Бу бошқа шаҳарликлар ва чет элликлар томонидан олдисотди қиймагидан келиб чиқиб давлат божи тўланишининг янги механизмини киритиш учун керак.

Иккинчи лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши мумкин бўлган шахслар — Ўзбекистон фуқаролари категориялари рўйхати тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қўшимчалар киритади.

Хусусан, Тошкент шаҳри ва вилоятида янги қурилган

биноларда кўчмас мулк олдисотдиси бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни шунингдек пойтахтда доимий пропискага эга бўлмаган жисмоний шахс томонидан янги қурилган бинолардаги қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баробаридан кам бўлмаган кўчмас мулк банк ҳисобварақалари орқали ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиб олинганида ҳам амалга ошириш таклиф этилмоқда.

Ушбу сумма эвазига кўчмас мулкни Тошкент шаҳри ва вилоятига Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келган ва ушбу ҳудудларда доимий пропискиси бўлган, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари сотиб олиши мумкин.

Тошкент шаҳри ва вилоятига бошқа давлатлардан келган ва истиқомат учун гувоҳномага эга бўлган чет эл фуқаролари ёки

фуқаролиги бўлмаган шахслар шу йўл билан пойтахт ҳудудида пропискага эга бўлиш учун янги қурилган бинолардан Марказий банкнинг банк ҳисобварақалари орқали ҳисоб-китоб қилиш йўли билан шартнома тузилган санадаги курси бўйича 100 минг доллардан кам бўлмаган қийматдаги кўчмас мулкни сотиб олиши керак.

Эслайтиб ўтамир, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидан янги қурилган кўчмас мулкни сотиб олаётгани учун резидентлар ва норезидентлар, кўчмас мулкнинг қиймагидан келиб чиққан ҳолда, 5—10 фоиз миқдорда давлат божи тўлаши ҳам керак бўлиши 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган.

Манба: daryo.uz

1940 йиллар охирида Америкада бой одамнинг ўлимидан бир неча йил ўтиб бир аёл ёнида боласи билан маҳкамага мурожаат қилади. У боласининг ўлган одамдан эканлигини даъво қилади. Бу замонда ҳали дунёда ўликдан ДНК тести олинмаган эди.

Америка ҳуқуқ тизимида бу масалага бир жавоб топаолмагач бошқа тизимларга мурожаат қилдилар. Рим қонунчилигига қарайдилар, йўқ. Юнон, Ҳинд, Узоқ Шарқда ҳам йўқ. Сўнгра бир гуруҳ мутахассислар Туркияга келишади. Уларга ўша вақтдаги Истанбул Муфтийси Умар Насуҳи Билманга мурожаат қилишларини айтишади. Аввалига келган гуруҳ масалани тушунтиролмади. Истамаган ҳолда муҳокама қилишади.

Билман улардан вафот этган одамнинг суякларни сақланганми йўқми сўраганда, улар ҳайратга тушишади. Суяклар сақланганлигини айтишади. Умар Насуҳи уларга қуйруқ қисмидаги суякдан бир ерини тасвирлайди. Тасвирлаган ерига боланинг бир

“Суякларни ким тирилтиради?”

томчи қонини томизишларини, агарда у суяк қонни сўриб олса боланинг у одамдан эканлигини акси бўлса хотиннинг ёлғончи бўлишини ва шунга қўра ҳукм беришлари мумкинлигини айтади.

Келган гуруҳ учрашувдан мамнун бўлмай, ҳайрон ҳолда мамлакатларига қайтишади. Бир муфтийнинг бундай бир тиббиёт билимига қандай ҳакам бўлиши мумкинлигини тушунишмайди. Гуруҳдаги бир докторнинг эса бу масала ақлига тинчлик бермайди. Муфтийнинг сўзлари янглиш эканлигини исботлаш учун мазорни очтириб, ўлик танасини чиқаришади. Доктор тасвирланган суякнинг устига аввал ўз қонини томизади. Қон суякнинг устидан оқиб тушади. Сўнгра боланинг қонини томизганида кўзлари катта-катта очилади. Суякнинг қонни сўриб олганини кўрганида ҳайратини яширмайди.

Учрашув вақтида Умар

Насуҳининг ёнида бўлганлар ҳам бу ҳақда биринчи мартаба эшитаётганликларидан, ҳайбат кетгандан сўнгра бу масалани қаердан билганини сўрайдилар. Ушбу суякнинг фақатгина ўз наслини қабул қилишини узоқ тушунтиради. У ердаги кичик бир парчанинг аҳамиятини таъкидлайди. Танани нима қилсангиз қилинг у суякни йўқ қилолмаслигингизни, қиёматга қадар ҳеч бир кучнинг бунга қодир бўлолмаслигини, зеро маҳшарда инсонлар шу суяк парчасидан қайтадан тирилтирилишларини тушунтиради.

“Суякларни ким тирилтиради? Холбуки, улар титилиб кетган-ку?” деди

Сен: “Уларни илк марта йўқдан бор қилган зот тирилтирур ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир”, деб айт.

Ёсин, 78-79-оятлар.

Журналистлар онасига ҳужум қилганларни топиш портал назоратига олинди

Нотаниш аёлларнинг уйига бостириб келиб жанжал кўтариши ортидан Президент порталига мурожаат этган хоразмлик Шукуржон Мадрахимова 27 апрел куни Вилоят Ички ишлар бошқармасининг расмий жавобини олди.

Шов-шувли материаллари билан танилган журналист Бобожоновларнинг онаси президент виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаатида 18 апрел куни нотаниш аёллар уйига бостириб кириб уни ҳақоратлагани, мобил телефонини тортиб олиб улоқтиришгани ва қочиб кетишганини билдирган. Бу масалада президентдан амалий ёрдам берилишини сўраган эди.

19 апрел куни Мадрахимованинг яқинлари аёллар ҳужуми ҳақида Ички ишлар органларига мурожаат қилишган, лекин маҳалла оқсоқоли милиционерлар масалани оғзаки йўл билан бости-бости қилишларини айтиб, уни ҳозирча ариза ёзмасликка ундаган.

«Ундан қўра, онангиз кечирим сўрасин ўғилларининг қилмиши

учун!» деган гап орасида Урганч туман арбоблар маҳалласи оқсоқоли, халқ орасида «Бакварган қассоб» дея танилган шахс.

Аксарият оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг кекса онасига қилинган ҳужум сабабини апрел ойининг бошида «Озодлик» сайтида босилган зўрланган ва хомилдор бўлган 15 яшар хивалик қиз ҳақидаги материал билан изохлашмоқда.

Хоразм вилоят ИИБ ўз жавоб хатида жумладан, воқеа жойида ҳозир бўлган профилактика инспектори Қ. Қурбонов «далолатнома асосида расмийлаштиргани» бироқ нотаниш аёллар устидан ёзма ариза берилмаганини писанда қилади.

Шунга қарамай, Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси Мадрахимовага уни «безовта қилган аёлларни қидириб топиш ва тартибга чақириш бўйича туман ички ишлар бўлими раҳбарияти томонидан назорат ўрнатилганлигини» маълум қилади.

Менинг ўзимда бировга ИБРАТ бўладиган ҳечнарсаси бўлмаса ҳам, шу сўз ҳеч хаёлимдан кетмайди...

Ҳозир оммога насихат қилувчилар шу қадар кўпайиб кетган...

Инсонийлик ва инсон одоби ҳақида, илм ва билим ҳақида, иймонли бўлишнинг фойдалари ҳақида, нафсни тиябилиш ҳақида...

Ибрат! Ибрат! Ибрат!

Ана шу насихат қилувчиларга мана шу биргина сўзни шиор қилиб қўйгим келади!

Биттагина ИБРАТ кўрсатабилишнинг ўзи - юзлаб насихатлар ўрнини босиши мумкин...

Афсуски, оммовий тармоқларда ҳам кўп насихат қилувчиларнинг айнан шу масалада оқсаётганлари кўп кўзга ташланади...

Ўзим ҳам ўз ҳаётим давомида шундай қуруқ насихатгўйларни кўп учратганим учун шу гапни айтиб қўйгим келди...

Узр...Бу ҳам насихатга ўхшаб қолди шекилли!

Ёдгор Обид

facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди

Азиз дўстларим!

Янги бир лойиха устида ишлаяпман. Хориж анимацион филмларининг ҳаммаси ҳам менталитетимизга тўғри келавермайди. Шунинг учун, янги қаҳрамон кийёфасини яратишга уриниб, ушбу саргузашт эртақни ёзишга қарор қилдим. Эртақ оддий эмас, ҳар бир қисмида болажонлар табиат ва табобат сирларидан содда усулда таништирилиб борилади. Қолаверса болажонлар саломатлиги учун фойдали маслаҳатлар бериб борилади.

Ўқиб, хулосаларингизни, фикрларингизни билдинг. Хато ва камчиликларимни айтинг. Бирга тўғирлаймиз. Зеро, фарзандлар тарбиясида барчамиз масъулмиз. Эртақни ёзишимга сабабчи бўлган устозимни дуо қилинг, охирати обод бўлсин!

ОЙДИНОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Яқин ўтган замонда, оддий бир хонадонда Ойдиной исмли қизча яшар экан. У ниҳоятда пок кўнгил, доно, маҳмадона бўлгани билан зукко экан.

У келажакда ким бўлиши ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлсада, яқинлари “Сен албатта табиб бўлишинг керак” дейишарди. Нимага дейсизми?

Чунки унинг қалби меҳра лиммо-лим эканда! Қаноти синган кушча, қўли қайрилган кучукча ёки бошига жомча тушиб кетган Бароқвойни “Жониворлар шиғохонаси”га олиб боргани ҳам ёлғон эмас. Ростини айтсам ўша кучукча, мушукча ва кушчалар жониворлар дўхтирининг аччиқ дориларидан эмас, Ойдинойнинг эътибори ва меҳри туфайли тузалиб қолишганини ҳамма билади. Қуриллай олмай қолган қурбақанинг овоз бойламларини мойчечак дамламаси билан даволаганидан сўнг эса эса, ота-онаси унинг айтган китобларини олиб берадиган бўлишди.

У ростдан ҳам жуда кўп ўқирди. Мутоаладан сўнг эса уйдан узоқ бўлмаган денгиз олдида бориб, қадрдон дўстларига китобдан олган таъсуротларини гапириб берарди.

Дўстлари ким деяпсизми?

Сал қолса ёдимдан кўтарилар экан. Ойдиной нафақат инсонлар, балки жони бор барча мавжудотлар билан гаплаша олар эди.

У қадрдон қирғоқ бўйига чошиб келгач, аввал шўх балиқчаларни

Ойдинойнинг саргузаштлари

тарбияга чақираётган денгизга салом берарди.

-Ассалому алайкум Тенгсиз бува!

Кекса денгизга қизча қўйган ном ёксада ҳар доимгидай камтарлик билан алик оларди.

-Ваалайкум ассалом . Яна Тенгсиз бува деяпсанми?

Ойдиной яйраб кулар экан, оёқчаларига урилаётган шўх тўлқинлардан хузурланиб, жавоб қайтаради.

-Ростдан ҳам тенгингиз йўқ! Охирингиз кўринмаса. Жахлингиз чиқса баҳайбат кемаларни ҳам адабини бериб кўясизку.

Денгиз шўр сувларини кўпиртириб кулар экан, бир оз виқорланиб жавоб қайтарарди:

-Тўғри, жудаям каттаман. Баҳайбат кемаларни чирпирак қилишим ҳам рост, аммо шу кичкина балиқчаларимни ҳеч тарбиялай олмаяпманда!

Қизча денгиз сувида бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаётган балиқчаларни хузурланиб кузатар экан, уларнинг шўхлиги сабабини асослаб беришга ҳаракат қилди:

- Тенгсиз бува, балиқчаларни тинчлантира олмайсиз.

-Нега энди?

-Чунки балиқчаларингизда Омега-3 ярим тўйинмаган ёғ кислоталари бўлиб, улар яхшигина қувват манбайику! ! Айниқса скумбрия, сельд, сардина, палтусда тўйинмаган ёғлар кўпроқ бўлади. Ўша ярим тўйинмаган ёғлар юраги заифроқ беморлар учун энг зўр дорида! Биласизми Тенгсиз бува, умуман балиқчалари йўқ денгиз ҳам бор экан. Шунинг учун уни Ўлик денгиз дейишади. Лут алайхиссалом давригача унда турли жонзотлар яшаган. Кейин нимагадир ўлиб қолишган . Ўлик денгизнинг сувичи, сизниқидан ҳам шўр. Лекин Жибути давлатидаги Ассаал кўли ундан ҳам шўрроқ экан.

-Тўхта-тўхта, маҳмадона- деди, денгиз чайқалганча, –Буларни яна қайси китобдан ўқидинг? Ўзинг жимитдай бўлсанг, шунча нарсани ўрганиш оғирлик қилмайдимми?

Ойдиной тиззаларига уриб кулар экан, дона-дона қилиб жавоб берди:

- Керакли юкни оғири йўқ Тенгсиз бува! Яхшиси, менга айтингчи, сиздан каттароқ

денгизлар ҳам борми?

- Албатта,-деди денгиз, қизалоқни хайратга солмоқ учун овозига сирли тус берар экан.- Мендан ҳам каттароқ денгизлар ва уммонлар бор. Катта бўлсанг, уларни ҳам кўрасан. Хўп майли... Қани айтчи, бугун қандай китобларни ўқидинг. Нималар ҳақида билиб олдинг?

Ойдиной шифобахш денгиз ҳавосидан чуқур нафас олгандан сўнг жавоб берди:

-Бугунчи, сув ҳақида ўқидим ва кўп нарсаларни билиб олдим. Ўзим ҳам бир нарсалар ёзгим келганиди ёзиб қўйдим.

-Хўш-хўш,- мавжланибди денгиз,- Қани, менга ҳам гапириб берчи. Сув ҳақида бўлса жудаям қизиқку! Хой балиқчалар, денгиз ўтлари , чағалайлар сизлар ҳам яқинроқ келинг. Бугунги маъруза сув ҳақида экан.

Ойдиной яна кулиб юборди:

-Қанақа маъруза, Тенгсиз бува? Нима, мен сизга профессоримдими?

Денгиз ҳам бўш келмади, қизчанинг туфлисига қўнган ғуборни ювиб қўйганча шовуллади:

-Шу кетишда профессор эмас, академик ҳам бўласан билагон! Мен эса “кичкиналигида туфличасини ювиб кўяр эдим” деб фахрланаман.

Ойдиной ялтираб қолган туфличасидаги ўз аксига қараб жилмаяр экан, раҳмат айтди;

-Ташақкур Тенгсизбува! Тўлқинларингиз дард кўрмасин! Ўзингиз айтганингидек академик бўлганимда ҳам ёнингизга келиб туришга ваъда бераман.

Ҳамма маза қилиб кулиб олишгач, унинг оғзига тикилишди.

Ғаройиб ҳикояларга ўрганиб қолган чағалайлар, катта-кичик балиқлар ва турли жонзотлар янги ҳикояларни яйраб тинглашарди. Ойдиной кўп куттириш яхши эмаслигини билгани учун, томоқ кириб олгач ҳикоясини бошлади:

- Кунчиқар мамлакатда бир олим яшар экан. У сув намуналари музлатиб, расмини олибди.

Кўҳна денгиз кўпини кўрган, музлайдиган уммонлар ҳақида ҳам эшитган, аммо ўзи музлаб қолишини тасаввур эта олмасди. Шунинг учун ковоғини уюб, жахлини чиққанини яширмади:

-Беадаблик! Суратга олиши яхши, лекин бунинг учун музлатиш шартмикан? Мана меңи неччи марта суратга олишган. Ўзинг ҳам мени манзарамда суратга тушишни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ёқтирасан тўғрими? Шунақа экан, музлатиш шарт эмас!

-Шарт эканда Тенгсиз бува, -деди қизалоқ, уни жахлдан туширишга ҳаракат қилиб, - Музлатганда сувнинг юрагини кўриш мумкин.

-Ола! Демак, ўша кунчиқарлик олимнинг фикрича музламайдиган сувда юрак бўлмайди, тўғрими?

-Йўқ, буважон! Сиз нотўғри тушундингиз. Сувни музлатиб унинг фазилатларини кўриш мумкин экан. Табиий оққан сувлар музлатилганда чиройли кристаллар ҳосил қилибди. Кран суви эса кристаллашмаган, кристаллашса ҳам бузуқ кристаллар ҳосил қилган.

-Кристалл дегани яна нимаси? - чийиллади чағалайлардан бири.

-Шошманг. Ҳаммасини айтаман, -давом этибди қизалоқ, - Кристалл юнонча сўз бўлиб, муз деган маънони англатади.

-Хўш, кейин нима бўлибди?

-Олим тажрибани яна давом эттириб, учта яхши сўз ёзилган қоғозчалар ёпиштирилган шишаларга сув қуйиб, уларни ҳам музлатган. Учта шишадаги сув ҳам жудаям чиройли кристаллар ҳосил қилган. Қоғозчасига "Шайтон" сўзи ёзилган тўртинчи шишадаги сув эса қоп-қоронғу тешик шаклини олиб, хунук музлаганмиш...

-Вой, ростданми? - хайратланибди, қояга ёпишган денгиз ўтлар шивирлаб, -Демак, сув ҳам Шайтонни ёмонлигини билар эканда?

-Бўлмасамчи, -деди денгиз, -Сув яхши -ёмонни фарқида боради. Мана, менинг бағримда сузиб юрган кемаларда турли -туман феълдаги одамлар бор. Уларни қалбидаги меҳрни ҳам, қаҳрни ҳам кўриб тураман. Баъзан ёмонларни қаттиқ жазолайман. Уларнинг ичида жаҳлимни кўргач тавба қилиб, яхши томонга ўзгарганлари ҳам бор. Хулоса чиқармаганлар эса, албатта ўз жазосини олади... Кейин, нима бўлибди қизим, давом эт!

-Кейинчи, олим яна кўўўпгина тажрибалар ўтказибди. Мен ҳам ўша тажрибалардан бирини қилмоқчиман.

-Нима қилмоқчисан? Қанақа тажриба?

-Биз ҳам эшитайлик.

-Тажрибада иштирок этсак бўладими?

Чағалайлар ва балиқчаларнинг ҳали қилиб кўрмаган тажрибасида қандай иштирок этишларини тасаввур қила олмай қулиб юборган

қизалоқ, ваъда бера қолди.

-Албатта. Фақат хозир эмас. Аввал ўзим яхшилаб ўрганиб олай, ана ундан кейин боқлаймиз!

-Майли -деди, хафсаласи пир бўлган чағалайлар, - Сув ҳақида яна нималарни ўқидинг?

-Яна, тоғ музларидан ва эриган қорлардан дарёларга оққан сувлар соғлом сувлар экан. Тепа булоқлардан, пастга, тошларга тушган, тез ва кўп оққан, тўхтамай ҳаракатда бўлган энгиллашган сувлар соғлиқ учун жудаям фойдали эмиш. Ёмғир суви ҳам зўр. Чунки у ҳавони тозалайди. Қолаверса ич кетишини (диареяни) тўхтади ва жигар, буйрак касалликларини энгиллаштиради.

-Вой, бў...-дебди хайратини яшира олмаган денгиз. Анча маълумотларни билмас эканман.

-Мен ҳам- деди, Ойдиной жилмайганча. Биласизми, кўл суви ҳаракатининг озлигидан оғир сув ҳисобланар экан. Ер ости сувларининг, ғор ва қудук сувларининг таркиби эса қаттиқ бўлармиш.

-Ростданми?

-Ха рост! Дарё суви билан қудук сувининг қоришмаси, қайнатилган ва қайнатилмаган сувларнинг аралашмаси, ичига муз солинган сувлар соғлиқ учун жуда зарарли экан. Идишларда сакланиб, дўконларда сотиладиган сувлар ҳам энг оғир сувлар эканини ҳам билмас эдим.

-Мен ҳақимда ҳам ўқидингми? -дебди, денгиз унинг кўзларига жавдираганча.

-Йўқ Тенгсиз бобо. Улгурмадим, аммо ваъда бераман. Ўқиб ҳамма-ҳаммасини айтиб бераман.

Қизалоқнинг эркатойи бўлган Чағчағжон исимли лўппи чағалай тумшугини чўччайтириб лўкма ташлади:

- Боядан бери қулоқ соламан аввал балиқлар, кейин қанақадир ёғлар, сув ҳақидагина гапиряпсан. Дўстингдан дейсану, хафа қилиб кўйяпсанда ўртоғ. Биз ҳақимизда ҳам бирор нарсалар ёзилганми китобларда.

-Ёзилган, - деди у, эркатой дўстини оппоқ бўйинини қитиклаганча, Масалан, чағалайлар ақлли қушлардан ҳисобланиб, йирикқоқлари йигирма йил яшаши мумкин. Кейинчи, мутахассислар асабийлашган, чарчаган одамларга денгиз олдига келиб чағалайларни кузатишни тавсия қилишар экан. Чунки сизнинг овозингиз ва парвозингиз асаб тизимини

тинчлантиришга ёрдам берармиш.

-Йўғ-ей! Оширвормадингми? Овозимиз жа унақа чиройли эмаску! Кейин ўлғудай очофатмиз.

Сўнг овозини пастлатиб шивирлади;

-Ўша сен айтган 3-омегали, тўйинмаган ёғлари бор балиқчалар жону-дилимизда. Кўўп еворяпмиз. Хозир ҳам зўрға турибман. Анави сенга мўлтираб турган балиқтойларни лик этиб ютиб юборсам.

Ойдиной очофат дўстининг иқрори табиийлигин билса ҳам, балиқчаларга ачиниб пўписа қилиб қўйди.

- Балиқчаларни камроқ егин. Денгиз ўтларидан тотиб кўрмайсанми?

Чағчағжонни афти буришди:

-Нима, сен мени парҳезга ўтиргизмоқчимисан? Манави ялтираб турган тўшим, чиройли патларим яхши озуқамданку!

Қизалоқ ўзбилармон чағалайни фикридан қайтара олмаслигини билсада, ўз фикрини айтди:

Соғлом бўлиш учун Чағчағжон, тўғри овқатланиш керак! Қадимги ҳақимлар "Касаллик нима?" саволига "Ейилганни ҳазм қилмасдан, устига таом ейишдир", деб жавоб беришган экан.

Касалликларнинг асосий сабаблардан бири ҳазмнинг тамомланишини кутмасдан, бир овқатнинг устига бошқа овқат ейишдир.

- Йўғ-ей, эътироз билдирди Чағчағжон катта кўзлари яна каттариб:

- Омегали балиқчалар мен айбдорманми? Ошқозонимга сиғяптику деб ютавераманда. Сени қараю, юрагимга ботмайдиган нарсалар ҳақида ҳам гапириб бер...

Ойдиной саломатлигидан хавотир олиб қолган Чағчағжоони соддалигидан қулиб, уни юпатар экан, астойдил ваъда берди:

- Албатта гапириб бераман. Фақат, келаси сафар. Бугун вақтим озрок

- Нега вақтинг оз, бирор жойга шошиляпсанми? -деди Чағчағжон, унинг кетиб қолишидан кўрқиб.

-Ха. Дарс тайёрлашим керак.

Сув ҳақида кўпроқ нарсаларни билгиси келаётган бўлсада, қизалоқни билим олишга интилаётганидан қувонган денгиз уч -тўртта чиройли чиғаноқ чиқариб, камтарона мавжланибди.

-Бу сенга совға. Улар ҳақида ҳам

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бир нарсалар ўқиб келгин. Биз эса сени соғиниб кутамиз. Ха, айтганча сенга хушxabар бор эди. Тўғрими Зоғоражон?

Зоғоражон дегани ўзи думалоқ зоғорага ўхшасада чаққонгина, хушёру- хушфеългина зоғора балик эди.

-Хой тўйинмаган ёғлари ялтиратиб турган Зоғоражон. Қўркмай бошингини кўтаравер, бугун сени емайман. Хозиргина тўғри овқатланиш хақида хавотирли оғоҳлантириш олдим. Шахсан бўладиган академикнинг ўзидан!

Чағчағжоннинг гапидан ҳамма кулиб юборгач, тўлқинлар ичида Зоғоражоннинг калласи кўринди

- Салом Ойдиной! Салом Чағчағ ва бошқалар. Ростдан ҳам хушxabарим бор.

У сузғичларини уфқда сузиб келаётган улкан кемага ишора қилиб давом этди:

- Хов анави кемани кўряпссизларми? Унда келаётган савдогар баликлар хақида зўр китоблар олиб келяптида. Ойдиной,

сув хақида анча нарсаларни билиб олибсан, биз хақимизда ҳам билгинг келмаяптими?

Боядан бери нотўғри овқатланишни зарарлари хақида ўйлаб тушқунликка тушган Чағчағжонни жиғибийрони чикиб, яна чийиллади:

- Хов зоғора! Бугунга баликлар хақида етарли бўлгандир? Иштахамни жиловлашга харакат қилганим сари ўзинг яна баликлар хақида сўз очяпсан. Нима бундан бошқа мавзу йўқми?

Қизча Зоғоражонга кўз қисиб, айрона жилмайди:

- Бошқа мавзулар ҳам бор. Аммо баликлар дунёсини хали тўлиғича ўрганмаганманда. Тўғрими миттивой? Зўр китоб эканини сен қаердан билдинг?

Зоғоражон эркаланиб сузғичлари билан сувни шалолатар экан, ёйилиб илжайди:

- Нега билмай? Ўша савдогарнинг худди сен каби мовий кўз қизалоғи кема айвончасида китоб ўқиш билан банд экан. Биз қувлашмачоқ ўйнаётган эдик. Китоб муқовасидаги зарҳал сурат кўзимни олди. Қарасам, ўзимга

икки томчи сувдек ўхшайдиган балик...

Унинг гапи тугамай Ойдиной шарақлаб кулиб юборибди.

-Нега куляпсан? Менга ишонмаяпсанми?

-Хали муқовадаги ёзувни ҳам ўқидим дерсан Зоғоражон? Чағчағжон сен ҳам кўргандирсан, ростдан ўша кемада китоблар борми?

Чағчағжон "Яна баликлар мавзусими?" деганча гўддайган қоятош томон ўгирилиб олгач, тўдабоши бўлган кекса чағалай бошини кимирлатди:

-Баликча рост гапиряпти Ойдиной. Ўша кемада яна табобатга доир китоблар ҳам кўп экан. Биз қушлар хақида ҳам бор. Айтишларича шаҳардаги китоб дўконларида сотилармиш...

Кўзини юмганча ахборот бераётган кекса чағалайнинг гаплари охирига етмай, қизча ўрнидан сакраб турди. Оёқлари ерга тегмай уй томон югурар экан, бутун ҳаёли китобларда эди...

Муаззам Иброҳимова
facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди

Бу ҳам йўл усти бир гап:

Халқимиз орасида кенг тарқалган бир ғалат гаплар бор...Баъзан бу гапларни қандай эшитилса, шундайлиғича ишлатадилар ва қабул қиладилар.

Мен эса, ўзим етим бўлганим учунми, ҳарҳолда, шу гапларни, матал ёки мақол бўлишидан қатъий назар, болалигимдан бери сира қабул қилолмайман...

Эшитсам, хафа бўлиб кетаман...

Мана шу гаплардан бири: "Етим кўзи боқсанг - оғзи - бурнинг мой қилар, етим бола боқсанг - оғзи - бурнинг қон қилар..."

Болалиқда қулоққа чалинган гап - эсдан чиқмайдиган бўлади.

Кўпинча катталар буни ҳисобга олмай, ўйлаб ўтирмай, оғизларига келганини айтиб юбораверадилар.

Мен болалигимда, баъзи катталар, юзимга қараб туриб, шу гапни кўп гапиришгани сира эсимдан чиқмайди.

- анъанвий атама эмас. Яқинда пайдо бўлган атама...

Шунинг учун бу гапни ҳам "Халқ дипломатияси тили" деб айтолмаймиз.

"Зўрдан зўр чиқса - зўр бўйнини қисади..." деган гапнинг маъновий давомига ўхшайди...

"Душман сендан зўр келса, курашиб ўтирма, бўйнингни эгиб юрабер" дегандек...

Ҳозирги кунда "Путинчилар" Георгий лентасини Ўзбекистонда тарғиб қилиб юришгани каби...

Бу ҳам йўл усти бир гап...

Халигача юрагимни жизиллатиб туради...

Ишонасизми, ҳатто шу гапни юзимга айтганларни ҳам ҳануз эслайман...

Аслида, халқимиз болажон ва етимпарвар халқ...

Буни биламиз...

Ҳарҳолда...шу томони ҳам бор!

Шунга ўхшаш, менга ғалат кўринадиган гаплардан яна бири: "Отангни ўлдирганга - онангни бер..."

Душманни дўстга айлантириш йўллари бор. Лекин бу - бошқа гап...

"Халқ дипломатияси" деган атама бор. Лекин биз учун бу атама

"Кўриб қўй, билиб қўй, ота - боболарингни биз мана шундай куч билан қириб ташлаганмиз...Сен ҳам бўйин эгиб юрмасанг, кунингни кўрсатамиз" деганлари эмасми бу?

Бу гапларнинг аслида биз учун, халқимиз учун қаттиқ ҳақорат эканини биламизми...Ёки-индамай, "шунақа эканда!" деб юраберамизми?

Нега улоқтириб ташламаймиз?

Ҳатто машиналаримиз ойналарига тақиб юрамиз...

Узр...Йўл усти бир гурунг қилгим келди...

Ёдгор Обид
facebook.com





Банклар импорт маҳсулотлар учун маблағ ўтказишни тўхтатди

Президент Шавкат Мирзиёев 19 апрель кунги видеоселектор йиғилишида мамлакат валюта захираларининг номақбул импорт маҳсулотларига сарфланаётганини кескин танқид қилиши ортидан Ўзбекистон банклари импорт келишувлари учун тўловларни бутунлай тўхтатиб қўйди.

“Банклар фалаж”

24 апрель куни Озодлик билан суҳбатда Ўзбекистондаги аксар тижорат банклари вакиллари, ўтган жума кундан жорий қилинган бу тақиқнинг амалда қолаётганини билдирдилар.

“Бизга ўтган ҳафта шундай оғзаки буйруқ бўлди ва мана битта гап билан фалаж бўлиб ўтирибмиз. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, шартнома шаклидан қатъи назар, тўловлар аниқ кўрсатма бўлгунгача, тўхтатилди. Мижозларга фақат кўрсаткич бармоғимиз билан тепани кўрсатиб, бизнинг бу тақиққа алоқамиз йўқлигини шама қилиб ўтирибмиз”, деди Озодлик билан суҳбатда тижорат банкларидан бири расмийси.

“Ҳозирча импорт шартномалар бўйича тўловларнинг қачон очилиши номаълум. Биз ҳам кутиб ўтирибмиз. Бизга тепадан шунақа дейишгани учун, тўхтатиб қўйдик. Бунақа тақиқнинг бирор банкка кераги йўқ, биз бундан манфаатдор эмасмизку!”, деди Миллий банк расмийси.

Ўзбекистондаги яна бир тижорат банки мутасаддиси, бундай тақиқни оғзаки жорий қилган идоралар, мижозларга кўрсатиш учун икки энлик ёзма буйруқ туширилишини

ваъда қилгани, лекин 24 апрель куни ҳам бундай буйруқдан дарак йўқлигини билдирди.

“Яна ҳаммаси “салла деса, каллани ол” қабилида бўлаяпти. Президент 19 апрель куни импорт ҳажмининг асоссиз ошиб кетаётгани, уларга мамлакат иқтисодини ривожлантириш учун сувдек зарур бўлган валюта маблағларининг самарасиз сарфланаётганини кескин танқид қилди. Бу ниҳоятда ўринли танқид. Лекин у биринчи галда, асосан, давлат корхоналарига тегишли бўлди. Президент улар номларини бирма-бир санаб ҳам чиқди. Бу гапдан кейин мулк шаклидан қатъи назар, мамлакатдаги барча ташкилот, ширкат ва корхоналарнинг импорт молларига пул ўтказишини тақиқлашда мен ҳеч қандай мантқиқ кўрмайман. Ким ўз маблағини мақсадсиз сарфлайди? Буни фақат давлат маблағига ишлайдиганлар қилади, холос”, деди Ўзбекистон банк тизими мутахассиси Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда.

“Давлат валюта захираларини барбод қилган беш-олтита давлат ёки унитар корхона, ёки назорати бўлмаган беш-олтита кимларнингдир имтиёзли корхонаси қилмишлари учун бутун бозор жавоб бераёпти”, деб таъкидлайди бундай ялпи тақиқни танқид қилган бу мутахассис.

Буйруқни ким берди?

Озодлик суҳбатлашган тижорий банк расмийлари, буйруқнинг оғзаки шаклда Марказий банк раҳбариятидан берилганини

билдирган бўлса, Ўзбекистон молия тизимига алоқадор мулозимлардан бири, бу хабарни рад этишга уринди.

“Марказий банк ўзича беролмайди бунақа қарорни. 19 апрель кунги селектор йиғилишида энг тепадагилардан шундай гап айтилмаса, улар қилмайди бу ишни. Ҳозир импортга жавобгар янги комиссия иш бошлади, унга аввалги Молия вазири, сенатор Мамаризо Нурмуротов раис. Ана шу комиссия, президент берган топшириқни бажариш учун импортга қанча маблағ кетаётганию, унинг айнан қайси маҳсулотларга сарфланаётганини аудит қилишни бошлади. Бу буйруқ ана шулардан чиққан бўлиши ва тижорат банкларига МБдан етказилган бўлиши мумкин. Лекин ҳозирча ҳеч кимнинг қўлида фалончидан дейилган ёзма буйруқ йўқ”, деди Ўзбекистон молия тизимига яқин мулозимларидан бири.

Айни пайтда, Uzmetronom Интернет газетаси Марказий банк бошқарувчиларини мамлакат банк тизимини битта буйруқ билан “коллагс” (қулатиш – таҳр.) қилганликда айблаб, бу ҳаракатни президент Шавкат Мирзиёев обрўсига берилган зарба сифатида талқин этди.

Тўловларнинг тўхтатилиши бозорда қандай акс этади?

Ўзбекистон банкларининг хориждан келадиган ҳар қандай маҳсулот учун пул ўтказишни тўхтатгани таъсири, Озодлик суҳбатлашган мутахассислар фикрича, унинг қанча давом этишига қараб, бозор, яъники оддий ўзбекистонликлар ҳаётида ҳам акс этиши мумкин.

“Бу тақиқ 5-10 кун давом этса, унча кўркинчли эмас, бозор доим ўз захираси билан яшайдику! Лекин бундан узоққа чўзилса, унда, албатта, бозорга ўз салбий таъсирини кўрсатади. Четдан хом ашё келмагандан кейин, ишлаб чиқариш тўхтайдди. Янги товар келмагандан кейин, савдо тўхтайдди. Одамларда савол ва норозилик кўпаяди. Соғлом ақл билан қаралса, бу жараён узоқ давом этмаслиги керак. Лекин жараёнга оид аниқ информация ҳеч кимда йўқ. Тўловлар тўхтатилган муддат ичида нима қилишмоқчи – инвентаризация қилмоқчимиз,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бунинг натижасида кимдир жазоланиши керакми, бу қанча муддат давом этади, бу саволларга жавоб бўлувчи бирорта белги йўқ”, дейди Ўзбекистон тижорий банкларидан бирининг Озодлик суҳбатлашган мутахассиси.

Импорт ҳажмини асоссиз оширганларни жазоловчи комиссия иш бошлади

Ўзбекистон президенти 19 апрель кунги видеоселектор йиғилишида, 2016 йилда импорт ҳажмини, хусусан, ўз фаолиятига хос бўлмаган импорт маҳсулотлари олиб келишга маблағ сарфлашни кучайтирган “Ўзбекэнерго”, “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзқурилиш материаллари” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК, “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХҚ, “Ўздонмахсулот” АК, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси, “Ўзфарманоат” ДАК

корхоналарини қаттиқ танқид қилган эди.

Маҳаллий матбуот, қайд этилган компаниялар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари импорт ҳажмининг ўсиши, валюта ресурсларини асоссиз импортга жалб қилгани учун уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўлланилиши, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилганини маълум қилди. Импорт шартномалари бўйича тўловларнинг тўхтатилишига асос деб кўрилатган бундай танқид ортидан, Озодликка маълум бўлишича, президент фармойиши билан таъсис этилган янги комиссия улар фаолияти, хусусан, импорт товарлар учун берилган давлат маблағлари, солиқ ва бож имтиёзларидан қандай фойдаланганини тафтиш қилишга киришган.

Шавкат Мирзиёев 6 апрель кунги қўй қўйган 4891-фармойишга кўра таъсис этилган махсус гуруҳ

“Импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича комиссия” деб номланди. Унга 1998-99 йилларда Ўзбекистон Марказий банки раисининг 1-ўринбосари, 2000-2004 йилларда мамлакат Молия вазири, 2004-2006 йилларда Самарқанд вилояти ҳокими бўлиб ишлаган Мамаризо Нурмуротов раис этиб тайинланди.

Каримов даврида ҳокимиятдан четга сурилган Нурмуротов, 16 март кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарори билан “Жиззах вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси баённомасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинди”.

Манба: “Озодлик” радиоси

Каримов номини абадийлаштириш қарори бўйича танлов якунига кўра, ҳайкалтарош Илҳом Жаборов унинг ҳайкалини барпо қиладиган бўлди.

У илгари Амир Темура ҳайкалини ясаганидан кейин у Каримов билан ҳайкалтарошлик борасида баҳсга киришганидан кейин диктатор ғазабига дучор бўлганди.

Устидан жинойи иш очилиб, мол мулки мусодара қилинган.

Ҳайкалтарош кейинги 5 йил мобайнида тоғларга чиқиб кетиб, бол етиштириш билан кун кўриб юрган. Каримов ўлиmidан сўнг Жабборов яна ижодга қайтди. Тақдир тақозоси билан Каримовнинг ҳайкалини яшаш танлови ғолиби бўлди.

Танловда турли мамлакатлардан жами 58 ҳайкалтарош 68 ёдгорлик лойиҳасини тақдим этишган.

Кимлар учундир бу маданий жароҳатдир

Элтуз нашри Каримов номини абадийлаштириш ғояси ҳақидаги фаоллар фикрини ўрганишда давом этади.

Бугун Германияда яшаётган ҳуқуқ фаоли Дмитрий Тихоновнинг фикрича, «Каримовга қўйиладиган ҳар бир ҳайкал ким учундир

Фаоллар Каримовга ҳайкал қўйилишини қоралади

маданий жароҳатдир».

2015 йилнинг октябрида унинг уйига ўт қўйилган, уй жиҳозлари, жумладан компютер ва оргтехникаси ёниб кул бўлган эди.

Тихоновнинг ҳамкасблари бу ҳодисани унинг инсон ҳуқуқлари фаолияти билан боғлашади.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга мониторинги билан шуғулланиб келган Тихонов кейинчалик Германияга кетишга мажбур бўлганди.

Ленин ва Сталин ҳайкаллари каби қулатилади

Бошқа бир ҳуқуқ фаоли, бугун Швецияда яшаётган Дилобар Эркинзода ҳам ҳуқуқатнинг Каримов номини абадийлаштириш қарорига қарши эканлигини айтади.

Унинг акаси Искандар Худойбергенов уйдирилган айблар билан 17 йилдан буён Жаслик қамоғида қолмоқда.

Унинг фикрича, Каримов номини абадийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаммаси вақтинчалиқдир.

«Худди мана шу собиқ совет

давридаги Ленин, Сталин ҳайкаллари қандай қулатилган бўлса каби, Каримовга қўйилга ҳайкалларни ҳам шундай қисмат кутаётганини ҳозирги ҳуқуқат ҳам билиши керак», дейди у.

Ўзбекистон тарихидаги қоп-қора доғ

17 йилдан буён Норвегияда яшаётган 73 ёшли олим Абдулла Абдураззоқ ҳам, «абадийлаштириш жараёни узоққа чўзилмаслигини» айтади. У Ўзбекистонда «Эрк» Демократик партиясига босимлар кучайганидан сўнг мамлакатни тарк этган эди.

«Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон тарихига қоп-қора бир чиркин доғ бўлиб тушган шахсдир», дейди Абдулла Абдураззоқ.

Ҳуқуқатнинг Каримов номини абадийлаштириш қарорини, бундан илгари шоир Жамол Камол, бастакор Зоҳид Ҳақназаров, философ олим Баҳодир Мусаев, ёзувчи Ғафур Йўлдошев, ўзбекистонлик фаол Анвар Хусаиновлар ҳам қоралаб чиқишган эди.

Манба: Eltuz.com

Ўзбекистон билан бевосита чегарадош шимолий Балх вилоятида уюштирган қонли ҳужумидан бир ҳафта ўтиб, Афғонистон Толибон ҳаракати расман ўзининг бу йилги баҳорги амалиётини эълон қилди.

Харакат "Мансурий", деб номланувчи амалиёти чоғида



Харакатнинг янги баёнотида айтилишича, бу йил ҳам сиёсий ва ҳам ҳарбий жабҳада иш олиб боришади.

Ўз назоратлари остидаги ҳудудларни тараккий топтириш б а р о б а р и д а , бу ерларда ўз сиёсатларини ҳам тарғиб этишади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳаракат бу каби ютуққа катта

Афғонистондаги хорижий иттифоқ кўшинлари ва уларнинг маҳаллий иттифоқчиларини нишонга олишга ваъда берди.

Толибон раҳбариятининг огоҳлантиришича, ўзининг мақсадига эришиш учун бу йил янги тактикалардан фойдаланмоқчи.

Уларнинг жума кунги баёнотида айтилишича, "ҳукумат кучларини тинч қўйишмайди": "Ҳужумга тутиб, ўлдиришади ёки кўлга олишади".

Бунинг учун "одатийсидан ташқари, партизанлик уруши, мураккаб худкушлик амалиётлари ва рақибларининг ўз кўллари билан амалга оширилувчи ҳужумларга зўр беришади, буларнинг барчасига қўшимча, узокдан туриб бошқарилувчи портловчи ускуналардан ҳам фойдаланишади".

Ҳарбий таҳлилчиларга кўра, бу йилги баҳорги амалиётини "Мансурий", деб номлаш учун Афғонистон Толибон ҳаракати марҳум лидери Мулла Ахтар Мансурга нисбат берган бўлиши мумкин.

Мулла Ахтар Мансур ҳарбий доираларда толибларнинг энг жангари ва шафқатсиз қўмондонларидан бири сифатида кўриб келинган.

Агар, энг сўнги халқаро ҳисоб-китобларга таянилса, бугун афғон тупроғида жанг қилаётган жангариларининг умумий сони камида 45 мингга етади.

Улардан аксариятини эса, айнан Толибон ҳаракати аъзолари ташкил этишади.

Анъанага мувофиқ, Афғонистон Толибон ҳаракатига байъат келтириб келувчи Покистон Толибон ҳаракати эса, ўзининг бу йилги ҳарбий амалиётлари борасида ҳозирча жим.

Афғонистон Толибон

Толибон 'Мансурий' амалиётини бошлади

ҳаракатининг сўнги баёнотига ўз муносабатини билдираркан, расмий Кобул "уларнинг дуруст-курук бир нарсга эриша олмасликлари"ни айтган.

Толибларни ҳам сиёсий ва ҳам ҳарбий жабҳада мағлуб этишга қодир эканликларини баён қилган.

Баёнот ва ҳужум

Толибоннинг бу йилги ҳарбий амалиёти арафасида Балхда уюштирган қонли ва ўта ҳалокатли ҳужуми эса, ҳам маҳаллий ва ҳам халқаро ҳарбий таҳлилчиларнинг бирдек хавотирларига сабаб бўлмади қолмаган.

Харакат бор-йўғи 10 га яқин жангариси билан Афғонистон Куролли Кучларининг мамлакат шимолидаги энг йирик ҳарбий базаси ичкарасига сизиб киришга муваффақ бўлган, биргина расмий рақамларнинг ўзида камида 135 афғон ҳарбийсини ўлдирган, катта сондагисини яралаган.

Қурбонларга оид ҳақиқий рақамлар эса, айтилганидан кўра икки баробар кўп бўлиши мумкинлиги ишонилади.

Толибон, бундан ташқари, нақ бу йилги баҳорги амалиётлари арафасида биргина шу ҳужумининг ўзи билан Афғонистон Мудофаа вазири ва Куролли Кучлари Бош қўмондонининг истеъфо беришига эришган.

Ҳозир Афғонистон ҳудудининг 10 фоизи тўлиқ уларнинг назорати остида ва яна 20 фоиздан ортиқроғида эса, ҳозирликлари бор.

сондаги Фарб бошчилигидаги иттифоқ кўшинларининг Афғонистондан 2014 йилги оммавий сафарбарликлари ортидан, бор-йўғи икки йилнинг ичида эришган.

Толибон ва талофатлар

Агар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги ҳисоботида таянилса, ўтган бир неча ойнинг ўзиде Афғонистон учун энг қонлиларидан бири бўлиб улгурган.

"Афғонистон катта сонда инсоний талофатлар беришда давом этган, ҳали жорий йилнинг биринчи чорағида мингга яқин киши қурбон бўлган, бир ярим миңга яқини яраланган".

Йилларки, афғон урушида берилаётган энг катта сондаги талофатларга Афғонистон Толибон ҳаракати масъул, деб кўриб келинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу хусусдаги сўнги ҳисоботи Афғонистон Толибон ҳаракатининг бу йилги баҳорги амалиётига оид баёноти арафасида эълон қилинган.

Халқаро ташкилот пайшанба кунги ҳисоботида Афғонистондаги урушаётган томонларни оддий аҳоли химояси йўлида жадаллик билан ва аниқ чоралар кўришга ҳам даъват қилган.

Толибон ҳаракати ўзининг янги баёнотида бунга ваъда қилган эса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўра, Афғонистонда жорий йил ҳисобидан берилган талофатларнинг ярмидан кўпроғига яна улар масъул бўлишган.

Аммо

Республикачи президент Дональд Трамп бошчилиги остидаги янги АҚШ маъмурияти

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эса, ҳалича ўзининг Афғонистонга оид тўлиқ стратегиясини эълон қилмаган.

2014 йилги оммавий сафарбарлик ортидан афғон тупроғида қолаётган 10 мингдан ортиқ НАТО бошчилиги остидаги иттифоқ кучларининг аксарияти америкалик ҳарбийлардан ташкил топган.

Уларнинг Афғонистонда қолиш муддатлари ҳали Барак Обама АҚШ президенти экан, жорий йилнинг якунига қадар узайтирилган.

Аммо янги Америка маъмурияти ҳалича уларнинг якуний тақдири борасида бир сўз демаган.

Дональд Трампнинг расман қудратга келиши ортидан кечган ўтган уч ой ичида қатор юқори мартабали АҚШ генераллари ва айрим обрўли сенаторлари томонидан афғон урушида туб бурилиш ясаш учун Афғонистондаги ҳарбийлари сонини кескин оширишга оид даъватлар бир эмас, бир неча бор янграган.

Пентагон раҳбари эса, яқинда қилган чиқишида ҳам бу хусусда ўзининг якуний қарорини беришга шашмаётганини баён қилганди.

Устма-уст таширлар

Лекин худди шу манзарада қатор юқори мартабали АҚШ ҳарбий мулозимларининг Афғонистон ва унга қўшни минтақа давлатларига серқатнов бўлиб қолганликлари кузатилади.

Афғонистон Толибон ҳаракатининг бу йилги баҳорги амалиётига оид баёноти ҳам АҚШ янги президентининг Миллий масалалар бўйича маслаҳатчиси ва янги Мудофаа вазирининг пойтахт Кобулга кетма-кет сафари ортидан кузатилган.

Қуни-кеча АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Леонард Вотел ҳам Ўзбекистон ва ҳам Тожикистонга сафар қилган.

Таҳлилчилар эса, буларнинг барчаси Ғарбнинг Афғонистондаги воқеаларнинг сўнгги ривожидан анчагина саросимага тушганига далолат қилишини айтишганди.

Ўзининг бу йилги баҳорги амалиётига оид баёноти арафасида ва шимолий Балх вилоятидаги қонли ҳужумидан бор-йўғи санокли кун ўтиб, Афғонистон Толибон ҳаракати илк бор янги раҳбари Шайх Ҳибатуллоҳ Охунзоданинг

овози забт этилган видеолавҳасини эълон қилган.

"Шафқат ва шафқатсизлик"

Ярим соатлик видеолавҳадан жой эгаллаган қарийб бир дақиқалик нутқида Толибон ҳаракати етакчиси жангариларига Афғонистон ҳукумат кучларига ишора қилиб, "кофирларнинг дўстларига шафқат қилмаслик", "мусулмонларга нисбатан эса, ўта шафқатли бўлиш"ни маслаҳат берган.

Шайх Ҳибатуллоҳ Охунзоданинг ҳозир аниқ қаерда экани маълум эмас.

У бундан 11 ой олдин, Мулла Ахтар Мансурнинг АҚШ дрон ҳужумида ўлдирилиши ортидан, Афғонистон Толибон ҳаракатининг лидери этиб тайинланган.

Толибон ҳаракатининг билдиришича, янги раҳбарларининг овози илк бор ўрин олган видеолавҳани ғарбий Ғўр вилоятида тасвирга туширишган.

Қудратли Ғарб эса, ўзининг Афғонистондаги 15 йиллик ҳарбий ҳозирлиги ортидан ҳам, Толибон муаммосига ҳеч бир йўлда барҳам бера олмаган.

Толибон ҳаракати АҚШ президенти этиб расман қасамёд келтиришидан бор-йўғи 5 кун ўтиб, шу йилнинг 25 январь куни Дональд Трампга очик мактуб билан чиққан, ундан яна бир бор Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва ўз тарихидаги энг узок бу урушга чек қўйишини сўраган.

Ҳаракат ўзининг очик мактуби якунида Америка Қўшма Штатлари янги президентини огоҳлантиришни ҳам унутмаган.

"Агар, Америка кучлари Афғонистонни тарк этмай, "тинчгина" яшашларига йўл қўймайдиган бўлишса, ўзларига урушишдан бошқа чора қолмаслиги ва бу уларнинг "қонуний ҳақлари" бўлиши"ни баён қилганди.

Президент Дональд Трамп ва маъмуриятининг бу очик мактубга муносабатлари имконли эмас.

Толибон муаммоси

Аммо ўзининг қуни-кеча Афғонистон пойтахтида берган илк расмий матбуот анжумани чоғида АҚШ Мудофаа вазири Жеймс Мэттис Толибон мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этмоқчи бўлса, зўравонликлардан тийилиб, террорчиликка "йўқ", дейиши шартлигини баён қилган.

Худди шунинг баробарида олдинда ўзларини "огир" йил кутаётганини ҳам ошкора эътироф этганди.

Афғонистон Толибон ҳаракати эса, аввалбошдан афғон тупроғида битта хорижий аскар қолса ҳам, ўзининг бирор бир томон билан тинчлик музокараларига бормаслигини айтиб келади.

Бошқа томондан, охири пайтларда АҚШнинг давомий ҳозирлиги зиддига Россиянинг Афғонистон масаласида фаоллашуви кузатилган.

Бу йилги баҳорги амалиётига оид баёноти Россиянинг Афғонистон Толибон ҳаракати билан "яқинлашаётгани", қатор юқори мартабали АҚШ ҳарбийлари наздарида, уларни "қурол-яроғ билан таъминлаётгани"га оид хабарлар манзарасида эълон қилинган.

Америка томонининг айна мазмундаги даъволарини такрорий равишда рад этиб келаётган расмий Кремль эса, ўтган уч ойнинг ўзида афғон можаросига тинч йўл билан ечим топишга қаратилган минтақавий миқёсдаги бир неча босқич сулҳ музокараларига мезбонлик қилиб улгурган, аммо, ҳозирча, уларнинг бирортасида Толибон томони ҳозир бўлмаган.

Энг сўнггида таъкидлаш жоиз, агар, ўтган икки йилгиси билан қиёсланса, Афғонистон Толибон ҳаракатининг баҳорги амалиётига оид бу галги расмий баёноти ўн кунча кечикиб эълон қилинган.

Ҳаракат ҳар икки гал ҳам биринчи бўлиб Афғонистоннинг Тожикистонга бевосита чегарадош ва стратегик жиҳатдан муҳим шимолий-шарқий Қундуз вилоятини нишонга олган, кенг қўламли, мувофиқлаштирилган ҳужумлар уюштириш, вилоят марказини маълум муддатга босиб олиш, афғон ва хорижий иттифоқ қўшинларини жиддий саросимага солиб қўйишнинг улдасидан чиққанди.

Устига устак, толибларнинг бу йилги баҳорги амалиётларига оид эълонлари Афғонистоннинг аксарият Марказий Осиё давлатларига бевосита чегарадош қатор шимолий ва шимолий-шарқий вилоятларида хавфсизлик билан боғлиқ вазият жиддий издан чиқиб бораётган бир пайтга тўғри келмоқда.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Бир яқин қариндошим бор. Ҳамма қариндошларимдан кўра кўпроқ яхши кўраман. Исломи ақидасига зид бўлса ҳам қариндошлик жиҳатидан яхши кўраман. Ақидага зид деганим у инсон бенамоз... Етмаганидек, ўғрилар ақидасида (вор в законе). У камалган, жуда кўп қийинчиликлар кўрган инсон. Лекин шундай бўлсада ўз маслакидан қайтмайди. Ўзи танлаган йўл у учун энг тўғриси. Уни яхши кўришимга сабаб эса - у мард инсон, ростгўй инсон, олийжаноб инсон. Ҳа, бир ўғрида шу сифатлар мужассам. Яқинлари учун доимо қайғуради, вада берса бажаради. Сизни ҳеч қачон нутиб қўймайди. Мен бу гапларим билан шундай инсонларни мақтамоқчи эмасман. Масалани моҳияти умуман бошқа жойда. Гапни кўп чўзмай, мени таъсирлантирган нарсаларга ўта қолай.

У инсон қамоқдан саккиз йил деганда чиқди. Йиллар ўз тасирини кўрсатишига қарамай ҳали ҳам ўша бургут нигоҳ, мард инсон эди. Қамоқдан чиқиши билан ёру-бродарлар, қариндошлар кўргани кела бошлади. Уч кун ўтиб: "мен бир жойга бориб келишим керак" деди-да, сафарига ҳамсуҳбат бўлишимни сўради, йўқ дея олмадим. Биргалашиб юргимизнинг нариги чеккаси, Қорақалпоқ ўлкасига қараб кетдик. Қаерга ва нима мақсадда кетаётганимизни сўрасам, айтмади.

Қорақалпоқ юртидан бошланган саёҳатимиз ортга қараб кетиш билан бошланди. Ҳар бир жойда кўлидаги манзиллар бўйича борар, бозорлик қилиб, манзилдаги уйларга тезда кириб чиқарди. Билдимки қамоқда бирга ўтирган одамларини хабар олгани келганини. Ўзи бу ҳақда шундай деди: "қамоқда узоқ вақт бўлдим, бу уйларига келаётганларимиз ичкаридагиларнинг ота-оналари, оиласи ва фарзандларидир. Қамоқдалиқ вақтимда уларнинг уйидан хабар оладиган ҳеч ким йўқ эканлигини билиб, уларни кўргани келяпман. Ичкаридагилардан салом айтиб, тинчлантириб қўйяпман" деди.

Шу таҳлит Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва токи водийгача бўлган ҳар бир уйга кириб чиқдик. Энг қизиғи ва менинг эътиборимни тортган жиҳат шу бўлдики, жуда кўп кирган ҳонадонларимиз "диний экстримизм" "унвони" билан қамалганлар эди. Ўғри ақидасидаги одам, на намоздан,



Нима фарқи бор бизнинг яқинимиз қамалмадику...

на бошқа нарсадан беҳабар бу инсон нима учун бу даражада "экстримистлар"га меҳрибонлик кўрсатаётгани ажабланарлик ҳол эди.

Бу ҳақида ҳам ўзи гапириб берди: "Қамоқларда энг ҳорланган, энг қийинчиликдаги одамлар мана шулардир. Қолган айбловлар билан қамалганларга "передачалар" келиб туради. Яқинлари ҳам доим хабар олади. Аммо диний қамалганлардан жуда кўп ҳолларда ҳатто яқинлари ҳам кечиб юборади. Асосан аёллари ва ота-оналари келади. Дўстлари ва қариндошларидан ҳат хабар бўлмайди. Мана шу учун ҳеч кими йўқ, ҳеч ким хабар олмайдиган, ўғилларини кўргани боргани даромади йўқ одамларнинг уйларига келдим" деди.

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Қамоқда қанчадан қанча жиноятчилар бор?! Қанчадан қанча ўғрилар, каззоблар, муттаҳамлар, давлатни талон тароҳ қилганлар, қотиллар бор. Лекин уларнинг яқинлари кечиб юбормаган, шотирлари келиб туради. Ўғрилар ақидасида эса доим хабар олинади. "Ўзларидан" бўлганлар ҳам моддий, ҳам манавий кўллаб қувватладилар. Аммо кечагина қариндош уруғчилик қилган мусулмондан кечиб юборадилар. Кечагина елкама елка намоз ўқиган ўша "хоиндан" масжид аҳли ҳам кечиб юборади. Маҳаллада номи қора. Аёлига, болаларига хоин сифатида қарайдилар. Биргина "справка" олиш учун кўзлари мўлтиллаб, бир ифлоснинг эшиги тагида сарғайиб ўтирадилар. Олисидаги эрини, яқинини кўргани боришга шароитлари йўқ. Мусулмонман деган, кўкрагига урган, етти марта ҳаж қилган, қизини тўйини дабдабалик қилиб ўтқизган, қатор

қатор кафелари, қатор қатор уйлари бор "ҳожи акалар" ўша кечаги танишидан кечиб юборадилар. Ёрдам бермаганлари етмагандек, ёрдам бераман деганларни қайтардилар "аралашма, сени ҳам "спискага" солиб қўйишади, узоқроқ юр", дейишади.

Бирлаша олмайдиган, ўздан бўлган биргина ўзини "ёмонини" химоя қилмайдиган мусулмонмиз.

Уйидан граната чиқибди, қора дори чиқибди, фалон экан, пистон экан деган гапларни тарқатамизу, аслида ичимиздаги энг яхшиси ўша эканлигини айта олмаймиз. Бу ҳақиқатни тан олсак жирқанч башарамизга кўзгу тутган бўламиз. Яхшиси уни қоралаб, лойга ботирсак "пок" виждонимиз бир оз таскин топади.

Ўғриларни бирлаштирган ақидаси уларнинг бошига қандай кун тушса ҳам ажрата олмасою, мусулмонни бирлаштирган ақида биргина синов билан чил парчин бўлса.

Ҳа, дуоғўй мусулмонмиз. Шукрчи мусулмонмиз. Нима фарқи бор бизнинг яқинимиз қамалмадику-а? Нима фарқи бор қон йиғлаётган бизнинг акамиз, укамиз эмаску-а? Эрини олдига боришга пул топа олмай, кечалари қон йиғлаётган аёл бизнинг синглимиз эмаску-а? Ўлиб кетмайдими...

P.S Мен бу гапларим билан ҳамма қамалганлар оппоқ демоқчи эмасман. Ичида беайб қамалганлари бор эканлигини президентнинг ўзи ҳам тан олди.

Ўғри, каззоб, қотилни кечирган жамият уни ҳам кечирishi керак. У ҳам хато қилади. Худди қолганлар каби.

Sayyid Islom

facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди

“Президент телевидение фаолиятини танқид қилган ва тизимни ўзгартириш кераклигини таъкидлаган.

30 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев белгиланган вазифалар ижроси, тизимдаги муаммолар ва соҳаларнинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселекторда президент телевидение фаолиятига тўхталди, деб хабар беради uz24.uz. Президент телевидение фаолиятини танқид қилган ва тизимни ўзгартириш кераклигини таъкидлаган. Хабарга кўра, бу соҳада аҳвол “эски ҳаммом, эски тос” бўлиб қолаётгани айtilган ҳамда “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телеканални номлари тилга олиб ўтилган. “Ура-урачилик замони ўтди. Телевизорда танқидий ва таҳлилий материаллар бериш керак. Одам кўрсатувларни соғиниб кутиши керак. “Ахборот” кўрсатувини ўзгартиришимиз керак”, деган Президент» дея хабар беради (<http://sputniknews-uz.com/society/20170331/5099069.html>) маҳаллий интернет нашрларидан бири.

Муҳтарам Мирзиёев!
ЎЗМТРК, хусусан, “Ёшлар” телерадиоканали хусусида сиз айтган бу ҳақиқатларни бундан сал кам 7 йил олдин, 2009-20010 йилларда, хали ЎЗМТРК тизимида ишлаб туриб, ўз раҳбарларимизга қарши биз айтган эдик: “Ёшлар” телеканални журналистлари Эшонқулова Малоҳат ва Амонова Саодат деб аталмиш ходимлар аллақачонлар айтиб қўйишган эди

Малоҳат Эшонқулова: Мирзиёевни ҳам президентлик мансабидан мосуво қилишади...ми?

сиз бугун айтаётган ҳақиқатларни. Оқибати нима бўлди? Ишдан ҳайдалиб кетдик! Минг бир баҳона-ю важлар билан кетимизга тепишди, ишдан қувишди. Ўша-ўша ишсизмиз. Демокчи бўлганим, ЎЗМТРК давлат ичидаги ўзига хос криминал бир давлат. Унинг ўз шоҳи, ўз султони, ўзининг ёзилмаган қонун-қодалари бор. Кимки, ЎЗМТРКнинг ёзилмаган қонунларига бўйсунмаса, ТВда илдиз отиб ётган иқтисодий киноятчиликни, ҳайбаракаллачиликни танқид қилса, худди бизнинг каби эски пайпоқ каби итқитиб юборилади. ЎЗМТРКда ҳақ-ҳуқуқ

талашиб, ишдан мосуво бўлган тақдирдошларимиз сони бир талай... ЎЗМТРКни танқид қилиб бўлмайди. ЎЗМТРКни мушугини “пишт” деган кимса қувилади, янчилади, оёқ-ости этилади. Муҳтарам Президент! 2017 йилнинг 30 март кунги видеоселекторда ЎЗМТРК тизимини, хусусан, “Ёшлар” телеканалини танқид остига олганингизда, ТВдаги ечимини кутаётган муаммолар, ҳайбаракаллачиликлар хусусида тўхталганингизда, тўғриси, Сизнинг ҳам тақдирингиздан хавотир олдим: “ЎЗМТРКга қарши бориб, ишқилиб биз каби “учиб” кетмаса бўлди эди”

деган ҳадик ўтди кўнглимдан. ЎЗМТРКга қарши кетиб бўлмайди, жаноб Президент! Мана, биз ЎЗМТРКдаги қонунсизликларга қарши бош кўтариб қай аҳволга тушдик? 7 йилдирки ишсизмиз, 7 йилдирки ишга тиклаш йўлида курашдамиз, қувғину босимда, қузатувдамиз. Бу шундай курашки, кети кўринмайди. ЎЗМТРК билан курашиш жараёнидаги кўргуликлардан кейин кимда ким Марказий телеведениени танқид остига олгудек бўлса, “Тақдири нима бўларкин бу шўрликни?” дея юрагим (Давоми кейинги саҳифада)



O'ZBEKISTON MILLIY
TELERADIOKOMPANIYASI

NATIONAL TELEVISION
AND RADIO COMPANY
OF UZBEKISTAN

100011, Tashkent shahar, Navoiy ko'chasi, 69
tel.: (998 71) 214-12-50, 214-13-00
fax: (998 71) 214-17-50
www.uztrk.uz

49, Navoiy street, 100011, Tashkent, Uzbekistan
tel.: (998 71) 214-12-50, 214-13-00
fax: (998 71) 214-17-50
www.uztrk.uz

80-05-30/100-son
30.12.2017

Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани,
Чиланзор, «Д»-20-«А» квартал, 8-уй,
28-тоналовда яшовчи фуқаро
М.Эшонқуловага

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасида жорий йилнинг 6 февралда 53-136-а/17-сон ва 26 февралда 81000-а/17-сон билан рўйхатга олинган мурожаатларингиз Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясига ўрнатиб чиқилди.

1. Компанияга Сизга юборган 2016 йил 19 ноябрдаги ВП-05-30/90-сон жавоб хатини расмийлаштириш деб ҳисоблаш ҳақидаги сўрашга:

Сизга юборилган 2016 йил 19 ноябрдаги ВП-05-30/60-сон жавоб хати Компаниянинг идоравий аришида сақланган минъул ҳужжатлар, суд қарорлари, ўзаро ёзма хатларга, яъни расмий ҳужжатларга таъини ҳола тайёрланган, бу масала жавобда ҳам кўрсатилади эди.

Ушбу жавоб хати билан Сизга юборилган маълумотларни тўлиқ қўлиб қўйишнинг ҳола кўрилиши ривожда кўрилди ва янги бизнинг:

2. «Ўзбекистон МТРК раҳбарлари дахлелсам Сводан Оминовани Тошкент шаҳридаги доимий пропискадан мажбурий равишда ўчиртирилган» маълумотига фойдаланди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органилари ва давлат муассасаларида ижтимоий ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Назаровнинг қарорининг 42- ва 44-бандлари ҳола Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясининг 2015 йил 29 апрелдаги 141-сон бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси тизимида ижтимоий ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Назаровнинг 44- ва 46-бандларида бирон бир фуқарога бошда бир фуқаронинг номидан унинг яқини яқинларига тасдиқловчи ҳужжат (инволчовома) эга бўлмадан туриб мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмаслиги ва кўриб чиқилмаслиги белгиланган. Ушбу тартибга мувофиқ, яъни Сиз С.Амонованинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқи эга эканлигининг тасдиқловчи ҳужжат тақдим иқтисодиётинингиз сабабли мурожаатингизнинг унга таъини юқми кўрмасдан қолдирилмоқда. Қўшувига, жорий йилнинг 23 февраль кунини фуқаро С.Амонова томонидан Компанияга алоқиди ёзма мурожаат келиб тушган, у белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва фуқарога жавоб берилди.

Шу сабабли, Сизга мурожаатингизда кайд этилган ҳолатларнинг фойда қилинишига таъини юқми кўрмасдан қолдирилмоқда.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

зиркирайдиган бўлиб қолган, рости. Бизни шундай қайтмас қилиб қувишганки, тиклаб бўлмайди.

Нега?

Бор йўғи 3 соатгина ўз иш жойимзида бўлмаганимиз учун!

Ўзи, аслида, телеведениеда “Белгиланган иш соати” деган гапнинг ўзи бўлмайди. Бўлмаслиги ҳам керак!

Ҳечам!

“Белгиланган иш соати” деган ўйинни ЎзМТРКга раис этиб тайинланган (ҳозирда собик) математик Алишер Хаджаев ўйлаб топган!

Телеведение шунақа даргоҳки, унда белгиланган иш соати кетмайди.

Телеведениеда истаимизми, йўқми, “ненормированный рабочий график” ҳуқумрон.

Тележурналистга “Эрталаб соат 9.00 да ишда бўласан, кеч соат 18.00 да иш соати тугайди” дея математик Алишер Хаджаевдан бошқа ҳеч ким буйруқ бера олмайди.

Ижодкор одам, журналист киши ҳарҳолда бунингдек бетайин гапни айтмайди.

Нега?

Негаки, соат тонги 4.00 да ғалаба билан қайтаётган ёш мусикачиларни кутиб олиш учун тасвирчилар гуруҳи билан аэропортга чиқасиз. Бунинг учун тележурналистга ҳеч ким қўшимча иш ҳақи бермайди.

Тележурналист кўрсатув тайёрлаш мақсадида вилоятма-вилоят сафраларда юради: гоҳо ҳафталаб, туну-кун. Баъзида тонги шафақни тасвирга олиш учун куёш кўтарилиш пайтида камерани объектга тўғрилашга тўғри келади.... Гоҳида тунги соат 24.00 да ҳам чўпоннинг чодирисида суҳбат қуришга мажбур бўласан.... Хизмат сафраларида “Иш соатим 9.00 дан то ...” дея соат миллири 18.00 ни кўратиши билан “лаш лушингни” йиғиштириб ётиб олмайсан, ололмайсан.

Шундай кунлар бўладики, ярим тунда олтин медал билан қайтаётган спортчиларимизни, боксчиларни аэропортга қўнишини тасвирга туширишинга, интервью олишинга тўғри келиб қолади....

Ҳуқумат миқёсидаги меҳмонларни кутиб олишлар.... Тадбирларни ёритишлар....

Худонинг берган куни тасвирга олиб келганларингни монтаж қилиш учун тунги соат 24.00 га қадар, гоҳида то тонгга қадар монитор



ойнасига термулиб ўтиришга мажбур бўласан.

Энг ёмони, бунинг учун ҳеч ким тележурналистга “конпенсация” берай демайди! Энг кизиғи, журналистнинг ўзи ҳам буни сўрамайди! Негаки, у журналист. Унинг иши шу. Журналистнинг ҳаёти шу! “Чўпоннинг таёғи, журналистни оёғи боқади” деганларидек, журналист шўрлик куну тун юриши, матиреал тўплаши, югуриши, елиши, ҳатто тунлари ҳам ақлий меҳнат қилиши зарур. Аниқроғи шунга мажбур. Ҳисобчи ва ё шифокор, дейлик, боғча опа белгиланган иш соатидан кейин оиласи даврасида беташвиш ўтириши мумкнидир. Аммо ижодкор эмас, журналист эмас! У ҳатто ишдан кейин ҳам, тун бўйи кўрсатувининг керак бўлса ҳар бир сўзи устида ўйлаб чиқиши даркор!

Хўш, ана энди айтингчи, мана шунингдек ҳолатда қай бир каллаварам тележурналистни “Сен уч соат ўз иш ўрнингда бўлмадинг” деб қувиб солиши мумкин Алишер Жўракуловичдан ўзга? ХайруллаХОНдан Нуриддиновдан бошқа?!

Мухтарам Шавкат Миромонович! ЎзМТРКдагиларга “гапинг қийшиқ” деб балога қолганлардан бири бизмиз: етти йилдирки саргардонмиз.

Масалан, мени ўз сеvimли ишимга тиклашга шахсан сизнинг, кимсан Ўзбекистоннинг янги президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳам қурби етмади.

Ваҳоланки мен 2016 йилнинг 19 октябрь куни виртуал қабулхонага “Мирзиёев, сизга ишониб, ишсиз қолдим” (<http://www.dunyouzbeklari.com/?p=151524>)

дея мурожаат қилгандим.

Сиздан ёруғлик кутгандим.

Минг афсуски, виртуал қабулхонага айтган охларимга ЎзМТРК раис ўринбосари А. Шодмоновдан “Ўз иш жойингизда бўлганлигингиз сабабли асосли ишдан бўшатилагансиз” деган мазмунда жавоб хати олдим.

“Йиқилган курашга тўймайди” дейишади.

“Халқ ғамидан ўзга ғамим йўқ” дея шахд қилаётган янги президентдан бирданига ҳафсалани пир қилсак, увол. Негаки, энг охири УМИД ўлади дейишади.

Умидни узган эмасман.

2017 йилнинг 6, 26 февраль кунлари “Мухтарам президент, сизга саовлим бор” (<http://www.dunyouzbeklari.com/?p=160525>) дея тақрор-тақрор зорландим....

“Резултат” яна боз-боягидек: ЎзМТРК раис ўринбосари А. Шодмоновдан “Хукм қатъий! Шикоятга ўрин йўқ” деган мазмундаги жавоб хати бўлди:

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Гоҳида “Ана унинг орқасига офтоб тегди”, “Мана бунинг пешонаси ярқиради”, “Сенга ҳам қувончли кун келиб қолар” дегувчи тасалли сўзлардан чарчадим. Кутишдан ҳам.

Табиатан мен дангалчиман.

Ростанам, нега саволларимга аниқ-тиниқ жавоб бермайсиз?: нега қатта-қатта жинойтга қўл урганларнинг ишини ўнгладингизу, бизникини ўнглашга юзланмайсиз?

Нега?

Журналист бўлганимиз учунми?

Ҳақиқатни айтганимиз учунми?

Ҳақиқатни айтган журналистни мамлакатга, ҳаётингизга хатар деб биласизми?

Хурмтали Шавкат Миромонович!

Нега “Халқ билан мулоқот йили” дейсизу, юзма-юз мулоқотга чикмайсиз.

Нега “Мени қабул қилинг” деган мурожаатларимнинг жавоби сукут бўлуқда?

Хурмтали Президент!

Илтимос, мени қабул қилинг.

Самимият билан

Эшонкулова Малоҳат

29 апрель, 2017 йил

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов